

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2017
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

К.КАРИМОВ

Учта сингуляр коэффициентга эга бўлган аралаш типдаги тенглама учун Франкль масаласининг хос функцияларини қуриш 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

К.ОНАРҚУЛОВ, Ғ.РАҲМАТОВ

Мева-сабзавотлар учун инфрақизил қуритиш қурилмаси 12

Ш.ЯКУБОВА, Т.АЗИМОВ, З.ХУСАНОВ, О.ТЎЛАНОВ

Астрономик координаталар тизимлари 14

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Ш.ХАМИДОВ, А.МАТКАРИМОВА, Ш.ТУРСУНОВА

Доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) нинг ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари 18

У.БОЛТАБОЕВ

Енгил саноатдаги ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган омилларнинг одам организмга таъсирини ўрганиш 21

Р.МАТЪЯКУБОВ, Д.САЛМОНОВА, И.ТУРДИБОЕВ, Ш.АБДУРАЗЗАКОВА

Карбамидформальдегид – (КФО) ва фенолформальдегид олигомерлари (ФФО)ни фурфурил спирти билан сополимерларининг олиниши ва хоссаларини тадқиқ қилиш 24

Х.ТОШЕВ, А.ЕШИМБЕТОВ, А.ХАЙТБАЕВ, Ш.ТУРҒУНБОЕВ, Ж.БЕКНАЗАРОВ

Госсипол айрим Шифф асосларининг геометрик ва энергетик характеристикаларини ярим эмпирик усулда ўрганиш 27

Ш.ЮЛДАШЕВА, Ш.И.ХАСАНОВА

Полиз шираси миқдорий зичлигини бошқариб туришда энтомофагларнинг ўрни 32

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

А.ҲАМИДОВ

Ўзбекистонда ландшафт тадқиқотлари ва тармоқ районлаштириш муаммолари 35

Ю.АҲМАДАЛИЕВ, О.АБДУҒАНИЕВ

Фарғона водийсида суғориладиган ерларнинг тупроқ-экологик ҳолатидаги ўзгаришларни баҳолаш 39

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

З.ТАДЖИБАЕВ

Ўзбекистонда иқтисодий таълим: кеча, бугун ва эртага 42

ФАЛСАҒА, СИЁСАТ, ТАРИХ

А.ҚАМБАРОВ

Илмий қадриятлар – мамлакатни барқарор ривожлантириш омили 47

Қ.СУЛАЙМОНОВ

Ўрта синф – бозор иқтисодиётининг етакчи кучи 50

Д.НОРМАТОВА

Ахлоқий меросда тарихий-маънавий қадриятлар масаласи 54

Г.МАДРАХИМОВА

Мустақиллик йилларида оналар ва болалар саломатлигига эътиборнинг кучайтирилиши 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК

О.ДАДАЖОНОВ

“Ёш Вертернинг изтироблари” асарида инсон кечинмаларининг бадиий талқини 62

УДК: 950

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОРНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ

Г.Мадрахимова

Аннотация

Ушбу мақола мустақиллик йилларида юртимизда оналар, оналар ва болалар ҳимояси, уларни қўллаб – қувватлаш учун жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилганлигига бағишланади. Мамлакатимиздаги “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурига мувофиқ кенг қўлланма ва моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Уларнинг аксарияти оналарнинг ижтимоий, моддий ва маънавий ҳимоя қилиш ва фаровонлигини таъминлашдан иборат.

Аннотация

В данной статье освещается тема защиты материнского и детского здоровья, поддержки семьи. В нашей республике осуществлена масштабная работа в рамках государственной программы «Год здоровой матери и ребенка». Цель программы - социально-материальное и духовное обеспечение и защита семьи.

Annotation

The article covered the topic of holding a large amount of support for the protection of the family, mothers and children. In our country it has been carried out advanced work on the state year program “A healthy mother and a child”. The aim of the program is socio-material and spiritual welfare and protection of the family.

Таянч сўз ва иборалар: атроф муҳит, экологик инқироз, диагностика, патронаж, интеллектуал, грант, ихтисослашган, реконструкция, бронхит, санаторий, профилактика, репродуктив.

Ключевые слова и выражения: окружающая среда, экологический кризис, диагностика, патронаж, интеллектуальный, грант, специализированный, реконструкция, бронхит, санаторий, профилактика, репродуктивный.

Key words and expressions: environment, environmental crisis, diagnostics, patronage, intellectual, grand, specialize, reconstruction, bronchitis, sanatorium, preventive, reproduction.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилингандан сўнг, қисқа давр ичида ўзбек миллий давлатчилиги шаклланиб, унинг мустақам қарор топиш жараёни самарали ва жадал суръатда кечмоқда. Ушбу давр халқимиз олдида мустақилликни мустақамлаш, инсонпарвар демократик жамият қуриш вазифасини қўйди. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, суверен давлатчиликка эришиш, янги иқтисодий негизнинг шаклланиши, халқнинг ижтимоий ва маънавий жиҳатдан уйғониши, собитқадам ва астойдил ҳаракат қилиш йўли билан ғоят катта қийинчиликларни енгиб ўтиш орқали амалга ошган.

Мамлакатимизнинг ўтган 25 йиллик яратувчанлик ва бунёдкорликдан иборат даври бетакрор тараққиёт йўлимизнинг нечоғли тўғри эканини исботлаб келмоқда. Шу юртда яшовчи ҳар бир инсон ҳаёти фаровонлашмоқда. Бугунги кундан шукроналик, ўз иқболи, истиқболи, эртанги кунига ишонч, Биринчи Президентимиз белгилаб берган истиқлол йўлига эътиқод ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбига кириб

бормоқда.

Мустақиллик йилларида халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Биргина аҳоли соғлиғини сақлашда эришилган ютуқларимизнинг натижасини кўриб, ўтмишимизда, яъни, мустақил совет тузуми давридаги аҳоли соғлиғига қандай эътибор берилганлигини кўриб, ўзимизга хулоса қилишимиз мумкин.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқнинг пахта мустақиллигига эришиши учун олиб борган сиёсати натижасида республикамиз экологик инқирозга учради. Натижада, Қорақалпоғистондаги аёлларнинг 80 фоизи камқонлик касалига чалинган ёки ҳарбий хизматга чақирилган ҳар 2 ўспириндан бири жисмонан ҳарбий хизматга яроқсиз топилган [4.16].

Қорақалпоғистонда ҳар 1000 нафар туғилган чақалоқдан бир ёшгача ўлганлар бўйича дунёда энг аяанчли ўринда турган. Агар Японияда ҳар 1000 нафар туғилган чақалоқдан бир ёшгача 5 нафари ёки Канадада 7 нафари ўлган бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда қандай аҳволда эканлигини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

Г.Мадрахимова – ФарПИ, тарих фанлари номзоди.

Ўзбекистонда 1984-1985-йилларда болалар ўлими [3.58]
(Ҳар 1000 нафар туғилган чақалоқдан 1 ёшга етмай ўлганлари)

Вилоятлар	1984 йил	1985 йил
Қорақалпоғистон	51,0	62,5
Андижон	41,6	42,6
Бухоро	51,2	49,2
Жиззах	41,7	46,7
Навоий	45,7	44,9
Наманган	44,1	43,3
Самарқанд	52,3	50,3
Сирдарё	37,9	41,6
Сурхондарё	56,6	55,2
Тошкент	35,3	36,4
Фарғона	44,9	50,1
Хоразм	55,9	50,4
Қашқадарё	39,5	40,6
Тошкент шаҳри	31,9	33,1
Республика бўйича	45,1	46,2

Мустақиллик йилларида юртимизда оилалар, оналар ва болалар ҳимояси, уларни қўллаб-қувватлаш учун ҳам жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Ўтган йиллар давомида оила бўйича бир неча қонун, қарор ва фармойишлар эълон қилинди. Уларнинг аксарият қисми оилани ижтимоий, моддий ва маънавий ҳимоя қилиш ва фаровонлигини таъминлашдан иборат. Шуниси эътиборга молики, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масъулиятини биринчи навбатда давлатимиз ўз зиммасига олган.

Бу вазифаларни муваффақиятли адо этишда давлат идоралари, фуқаролик институтлари ва маҳаллий ҳокимиятлар ташаббускор бўлмоқдалар. Шунингдек, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида миллий қонунчилигимизда ҳам бир қатор қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари қабул қилинган.

Юртимизда баркамол инсонни камол топтиришга жиддий эътибор мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошланган. 1993 йил 4 мартда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг махсус фармонида асосан мамлакатимизнинг биринчи олий давлат нишони – “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу орден илк бор бизнинг юртимизда қабул қилинган бўлиб, жаҳон тажрибасида бундай орден бўлмаган. 1993 йил 23 апрелда Ўзбекистон Президентининг “Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган “Халқаро хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида”ги Фармонини бажариш

юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 3 июнда “Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган Халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарор қабул қилинди.

“Соғлом авлод учун” хайрия жамғармасига Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 1 млрд. сўм ажратилди. Жумладан, 2008 йил 7 январда қабул қилинган – “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши миллий қонунчиликни бола ҳуқуқлари бўйича халқаро андазалар билан мувофиқлаштириш, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида тегишли дастурлар тузиш, давлат органлари ва нодавлат ташкилотларининг бу борадаги вазифалари, ваколатларини ва ўзаро фаолиятини аниқлаштириш, бола ҳуқуқлари ҳимояси механизмнинг ишлаши ва амалий натижалар беришини таъминлаш, шу соҳага оид қонунчиликнинг келгусидаги ривожини учун кенг имкониятларга йўл очди. Шунингдек, ушбу қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашда иштирок этиш шакллари белгиланди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ёшлар билан ишлаш, уларнинг уқуви, жамоат ҳаётидаги иштироки, қолаверса, уларнинг келажагини яратишда нафақат адлия органлари, балки ота-оналардан тортиб давлат идораларигача масъул бўлиши керак. Ана шунда биз ёшлар сиёсати бўйича олдимизга қўйган вазифани бажаришда тўла-тўқис фаол иштирок эта

олган бўламиз. Чунки ёшлар – мамлакат келажаги.

Мустақиллик йилларида аҳоли генофондини яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 октябрдаги қарори билан “Болаларни тарбиялашни такомиллаштиришга, соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар режаси” тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини кучайтириш билан боғлиқ бир қатор тадбирлар белгиланиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, давлатимиз Биринчи раҳбарининг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “2009–2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарорлари мамлакатимизда оилаларнинг ижтимоий барқарорлиги ва фаровонлигини мустаҳкамлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, сўнгги 10 йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлашга 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди. Мустақиллик йилларида “Она ва бола скрининги” дастурининг амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди.

Аҳоли саломатлиги, хусусан, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш борасида мамлакатимизда эришилган ютуқлар 2011 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзусидаги халқаро симпозиумда қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ томонидан юксак баҳоланди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, “Она ва бола”, “Оила”, “Ёшлар”, “Баркамол авлод”, “Соғлом бола” йили деб номланган йиллар давомида амалга оширилган ишлар ҳар жиҳатдан соғлом боланинг дунёга келиши ва ўсиб – улғайишидаги муаффақиятли ишларимизнинг мантиқий давоми бўлди.

2014 йил Соғлом бола йилида ҳам соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбия тизимида амалга оширилган ишларнинг ҳам кўлами катта бўлди. Ана шундай амалий ишлар натижасида сўнгги ўн йилда ривожланишда туғма нуқсонлари бўлган болалар сони 1,3 баробар камайди. 6-15 ёшли болалар орасида ўткир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоизга, пневмонияга чалиниш 49,7 фоизга, бронхит билан хасталаниш 32,8 ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоизга камайди.

2014 йилда 133 та тиббиёт муассасаси янгитдан қурилди ва реконструкция қилинди. Тошкент шаҳридаги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий маркази, Андижон шаҳридаги кўптармоқли вилоят тиббиёт маркази, Нукус шаҳридаги Республика силга қарши кураш диспансери ва бошқалар шулар жумласига қиради. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан 400 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ва қарийб 30 миллион долларлик хорижий кредит ва грант маблағлари йўналтирилди [1.1].

Биз учун бебаҳо бойлик бўлган халқимизнинг соғлиғини сақлаш мақсадида 2015 йилда 141 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланди. Республика болалар суяк-сил касалликлари санаторийси, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Андижон ва Бухоро шаҳарларидаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шунингдек, мамлакатимизнинг кўплаб туманларида тиббиёт бирлашмалари реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш ва замонавий диагноз ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 мингта чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди [2.1]. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришганини алоҳида таъкидлаш лозим.

2015 йилга келиб, мамлакатимиз болаларининг 92 % ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни

сақлаш ташкилоти стандартларига тўлиқ мос келди.

Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 2016 йилни “Соғлом она ва бола йили”, деб эълон қилиниши, мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш борасидаги ишларимизни янада юксак босқичга кўтарди. Дарҳақиқат, халқимизнинг асрий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади, она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади. Бу борада қабул қилинган давлат дастурида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, перинатал ва скрининг марказлар, патронаж хизматларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, ёш оналар ва болаларни парвариш қилиш даражаси ва сифатини ошириш, оилада соғлом маънавий муҳит яратиш, қиз болаларни жисмонан соғлом ва интеллектуал ривожланган этиб тарбиялаш, уларнинг академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун 2016 йилда 80 миллион доллар қийматидаги кредит ва грант маблағлари йўналтирилди.

Дастурда белгиланган тадбирлар бўйича 9 миллионга яқин фарзанд кўриш ёшидаги

аёллар ва 10 миллионга яқин болалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғломлаштирилди.

Жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиш бўйича нуқсонли бўлган 350 нафардан ортиқ болада кохлеар имплантация операциялари амалга оширилди. Бунинг учун 21 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Ана шундай ишлар қаторида 700 минг нафар бола пневмококк инфекцияси ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмланди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар учун барча манбалар ҳисобидан 7 триллион 480 миллиард сўм ва 190 миллион доллардан зиёд маблағ сарфланди [3.1].

Нуфузли халқаро институтларнинг эътироф этишича, Ўзбекистан дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жамиятда оналарга алоҳида эътибор қаратиш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оиланинг мустаҳкам, соғлом ва аҳил бўлишида ҳокимликлар ва жамоат ташкилотларининг эътибори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Оналар ва болалар соғлиғига ғамхўрлик қилиш бундан буён ҳам янада ошишига шубҳа йўқ.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиз. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. “Халқ сўзи”, 2015 йил 21 январь.
2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. “Халқ сўзи”, 2016 йил 16 январь.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. “Халқ сўзи”, 2016 йил 8 декабрь
4. ЎЗМДА 254- фонд, 6- рўйхат, 5981- йиғма жилд, 58-варақ.
5. Юлдашев О.М. Истиқлолга эришиш ва демократик тараққиёт. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2015.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор).